

ЎТМИШГА НАЗАР

4 - МАХСУС СОН

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ

СПЕЦИАЛЬНЫЙ ВЫПУСК - 4

LOOK TO THE PAST

SPECIAL ISSUE - 4



Бош мухаррир:
Главный редактор:
Chief Editor:

Муртазаева Рахбар Хамидовна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Бош мухаррир ўринбосари:
Заместитель главного редактора:
Deputy Chief Editor:

Джураева Нилуфар Далибаевна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон жаҳон тиллари университети

«Ўтмишга назар» илмий журнали таҳририй маслаҳат кенгаши
редакционный совет научного журнала «Взгляд в прошлое»
Editorial board of the scientific journal Looking into the past

Сагдуллаев Анатолий Сагдуллаевич
тарих фанлари доктори,
профессор, академик,
Ўзбекистон Миллий университети

Бобожонова Дилором Бобожонова
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон жаҳон тиллари
университети

Зияева Доно Хамидовна
тарих фанлари доктори, профессор,
ЎзР ФА Тарих институти

Кебадзе Мадонна
тарих фанлари доктори, Телави
давлат университети, Грузия

Аширов Адхам Азимбаевич
тарих фанлари доктори, профессор,
ЎзР ФА Тарих институти

Агзамова Гулчехра Азизовна
тарих фанлари доктори, профессор,
ЎзР ФА Тарих институти

Бурдиашвили Майя
тарих фанлари доктори, Телави
давлат университети, Грузия

Кожакеева Ляззат Темировна
тарих фанлари доктори, доцент,
Хотин-қизлар давлат педагогика
университети, Қозоғистон

Ульжаева Шохистахон Мамажоновна
тарих фанлари доктори,
Тошкент кимё - технология институти

Бабаджанова Нодира Абдуллаевна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон давлат жаҳон
тиллари университети

Рахмонкулова Зумрад Бойхуразовна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети

Гоффоров Шокир Сафарович
тарих фанлари доктори, профессор
Самарқанд давлат тиббиёт институти

Эргашева Юлдуз Алимовна
Тарих фанлари доктори, профессор,
Қариш муҳандислик-иқтисодиёт
институти

Теймураз Ахалмосулишвили
профессор, Телави давлат
университети, Грузия

Халикова Рахбар Эргашевна
тарих фанлари доктори, профессор,
Тошкент давлат техника университети

Ишанходжаева Замира Райимовна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Абдуллаева Яхшибека Атамуратовна
тарих фанлари доктори, доцент
Нукус давлат педагогика институти

Мустафаева Нодира Абдуллаевна
тарих фанлари доктори
Ўзбекистон Республикаси
Фанлар академияси

Джоробекова Айнуэр Эшимбековна
тарих фанлари номзоди, профессор,
Дипломатия академияси,
Қозоғистон Республикаси

Ширванова Тарана Амирага кызы
тарих фанлари номзоди, доцент
Азербайджон давлат
иқтисодиёт университети

Ерметов Аваз Абдуллаевич
тарих фанлари доктори, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети

Санпова Камола Давляталиевна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети

Расулов Абдуллажон Нуриддинович
тарих фанлари доктори, профессор
Наманган давлат университети

Ковалев Борис Николаевич
тарих фанлари доктори, профессор
Россия ФА, Санкт-Петербург
Тарих институти

Кобзева Ольга Петровна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Ауанасова Алима Мусировна
тарих фанлари доктори, профессор
Давлат тарихи институти, Қозоғистон

Бегалинова Калимаш Капсамаровна
фалсафа фанлари доктори, профессор
Ал-Фаробий номидаги Қозоғистон
Миллий университети, Қозоғистон

Хайдаров Муродилла Махмуталиевич
тарих фанлари доктори, профессор
Ўзбекистон миллий университети

Алиева Лале
тарих фанлари доктори,
Озарбайжон давлат университети

Исмаилова Алмаз
тарих фанлари доктори,
Догистон мустақил университети

Талапов Бахриддин Алижанович
тарих фанлари номзоди, доцент,
Наманган давлат университети

Одилов Абдор Анварович
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети

1. Доно Зияева ЭРОН САФАРНОМАЛАРИ ВА МЕМУАР АСАРЛАРИ ТАРИХИЙ МАНБА СИФАТИДА.....	6
2. Санобар Шадманова ЎЗБЕКИСТОН ШАҲАРЛАРИ КЛАССИФИКАЦИЯСИ ВА ТИПОЛОГИЯСИ (1917-1941 ЙИЛЛАР).....	13
3. Надира Маҳкамова ЎРТА ОСИЁ МИЛЛИЙ-ҲУДУДИЙ ЧЕГАРАЛАНИШ МАСАЛАСИНИНГ СОВЕТ ДАВРИ АДАБИЁТЛАРИДА АКС ЭТИШИ.....	20
4. Қаҳрамон Алманов ИЛК ЎРТА АСРЛАР УСТРУШОНА ТАНГАЛАРИ.....	29
5. Шахноза Абдурахимова 1985-1991 ЙИЛЛАРДАГИ АҲОЛИ МУРОЖААТЛАРИДА СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ТИЗИМИНИНГ АКС ЭТИШИ.....	39
6. Zebiniso Axmedova OLIMLARNING AHMAD DONUSH IJODI VA FAOLIYATIGA QARASHLARI.....	47
7. Гулчеҳра Аҳмедова СУРХОНДАРЁ БАХШИЛАРИ.....	54
8. Komiljon Arziyev SHIMOLIY-BAQTRIYA MOZOR-QO`RG`ONLAR O`RGANILISH TARIXI (eramizdan avvalgi II asrlar oxiri va eramizning III asrlariga).....	59
9. Мансур Бойсариев ДИАСПОРА ТУШУНЧАСИНИНГ ИЖТИМОИЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАР КЕСИМИДА РИВОЖЛАНИШ ТАРИХИ.....	65
10. Шерзод Баҳранов РОССИЯНИНГ ЎРТА ОСИЁ БИЛАН ҚЎҚОН ОРКАЛИ ОЛИБ БОРГАН ЧОЙ САВДОСИ ТАРИХИДАН (XIX-аср охири ва XX-аср бошларида).....	74
11. Феруза Бобожонова БУХОРО АМИРЛИГИДАГИ МАДРАСАЛАРНИНГ ҚУРИЛИШИ, МОДДИЙ-ХЎЖАЛИК ТАЪМИНОТИ ВА ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ МАСАЛАЛАРИ.....	80
12. Назокат Бозорова СУРХОНДАРЁЛИКЛАРНИНГ ФРОНТ ВА ФРОНТ ОРТИДАГИ ЖАСОРАТИ.....	94
13. Шербек Ёдгоров МИСРДАГИ ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ МУАММОЛАРНИНГ ДИНИЙ ЭКСТРЕМИЗМ ВА РАДИКАЛИЗМНИНГ ЁЙИЛИШИГА ТАЪСИРИ.....	100
14. Бехзод Исабеков СУЮРЛИТЕПА ЁДГОРЛИГИ ТЎҒРИСИДА МУЛОҲАЗАЛАР.....	108

15. Дилфуза Исмоилова, Нор Бердиев XIX АСР ОХИРИ - XX АСР БОШЛАРИДА ТУРКИСТОН ЎЛКАСИДА КОНЧИЛИК ВА МЕТАЛЛУРГИЯ ТАРИХИДАН.....	113
16. Фарходжон Исматуллаев ЕВРОПА ИТТИФОҚИ БИЛАН ҲАМКОРЛИК – ЎЗБЕКИСТОН ТАШҚИ СИЁСАТИНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИДАН БИРИ СИФАТИДА.....	121
17. Руфина Каюмова ЎЗБЕК ЖАНГЧИЛАРИНИНГ ЖАСОРАТЛАРИ УРУШ ДАВРИ ХАТЛАРИ САТРАЛАРИДА.....	129
18. Oybek Klichev, Nishona Hasanova SITORAI MOXI XOSA MUZEYI BINOLARINING TUZILISHI.....	135
19. Хушнудбек Мамадалиев ФАРҶОНА ВОДИЙСИДА “ЯНГИ ШАҲАР” ЛАРНИНГ ПАЙДО БЎЛИШИ ВА УЛАРДАГИ ЎЗГАРИШЛАР.....	141
20. Erkinjon Maxmudov BXSR HUKUMATINING VAQF MULKLARIGA BO’LGAN MUNOSABATI.....	152
21. Темур Мўминов ИБРОҲИМ МЎМИНОВ ПОРТРЕТИГА ЧИЗГИЛАР.....	157
22. Ғайратхон Мухтаров ЧОТҚОЛ ТОҒ ТИЗМАСИ ПЕТРОГЛИФЛАРИНИНГ ЎРГАНИЛИШИ.....	166
23. Жамшид Перемкулов СОВЕТ ДАВРИДА САНОАТ ШАҲАРЛАРИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ СИЁСАТИ ВА УНИНГ ОҚИБАТЛАРИ (ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ МИСОЛИДА).....	173
24. Зафар Раҳманов ЧУСТ ЎТРОҚ ДЕҲҚОНЧИЛИК МАДАНИЯТИНИНГ ШАКЛЛАНИШИ ВА ВОҲА ЖОЙЛАШУВ ТИЗИМИНИНГ БОШЛАНИШИ.....	183
25. Элёр Раҳмонов ФАРҶОНА ВОДИЙСИДА КАМ ТАЪМИНЛАНГАН ВА ЁШ ОИЛАЛАРНИ ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯЛАШ ЖАРАЁНИ.....	191
26. Зокир Рустамов 1920-1930 ЙИЛЛАРДА ЎЗБЕКИСТОН, ТУРКИЯ ВА ЭРОНДА АМАЛГА ОШИРИЛГАН ИЖТИМОИЙ-МАДАНИЙ ИСЛОҲОТЛАР.....	199
27. Azamat Sanakulov MARKAZIY OSIYODA SIYOSIY JARAYONLARDAGI XALQ DIPLOMATIYASINING AHAMIYATI VA O'RNİ.....	205
28. Нодир Сафаров РОССИЯ-БУХОРО АЛОҚАЛАРИНИНГ ХОРИЖИЙ ТАРИХШУНОСЛИГИ ТАҲЛИЛИ.....	213

29. Анора Тоғаева ЎЗБЕКИСТОН ШАҲАРЛАРИДА СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ТИЗИМИ: АҲВОЛИ ВА МУАММОЛАРИ (1950-1980 йиллар).....	219
30. Фарход Усманов 1920-1930 ЙИЛЛАРДА ЎЗБЕКИСТОНДА БОЛАЛАР ҚАРОВСИЗЛИГИ: МУАММО ВА ЕЧИМЛАР.....	226
31. Икромжон Умаров БАДАШ – КЎҲИТАНГТОҒ ҚИШЛОҚЛАРИ АҲОЛИСИНИНГ ҚАДИМИЙ МУСИҚИЙ САНЪАТИ.....	238
32. Гулнора Фарманова Н.И.ВЕСЕЛОВСКИЙ ВА УНИНГ АФРОСИЁБДАГИ АРХЕОЛОГИК ИШЛАРИ (АРХЕОЛОГИК ТАДҚИҚОТ УСУЛЛАРИНИНГ БИРЛАШИШ ТЎҒРИСИДА).....	245
33. Madina Chorieva XX-XXI ASRLAR TARIXSHINOSLIGIDA SO'NGGI MANGIT AMIR SAYID OLIMXON.....	250
34. Шахло Хусанова БУЮК ИПАК ЙЎЛИДАГИ МИНГТЕПА ШАҲРИ.....	255
35. Фурқат Тошбоев, Наргиза Каримова УСТРУШОНАНИНГ ҚАДИМГИ ШАҲАРЛАРИ ВА УЛАРНИНГ БУЮК ИПАК ЙЎЛИ САВДОСИДАГИ ЎРНИ.....	261

ЎТМИШГА НАЗАР ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ LOOK TO THE PAST

УДК: 94(575.146)

Феруза Хаятовна Бобожонова,
Бухоро давлат университети
Бухоро тарихи кафедраси ўқитувчиси,
тарих фанлари номзоди, доцент
bobojonova.feruza.71@mail.ru

БУХОРО АМИРЛИГИДАГИ МАДРАСАЛАРНИНГ ҚУРИЛИШИ, МОДДИЙ- ХЎЖАЛИК ТАЪМИНОТИ ВА ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ МАСАЛАЛАРИ

For citation: Feruza H. Bobodjonova, THE ISSUES OF CONSTRUCTION OF THE BUKHARAN MEDRESSES, THEIR MATERIAL AND ORGANIZATION OF THEIR ACTIVITY. Look to the past. 2020, Special issue 4, pp.80-93

 <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2020-SI-4-11>

АННОТАЦИЯ

Мақолада XIX аср охири – XX аср бошларида Бухоро медресалари фаолияти манбалар асосида ёритиб берилган. Шунингдек, медресадаги талабаларнинг моддий аҳволи ва таъминоти масалалари ҳам кўриб чиқилган.

Калит сўзлар: медреса, хужра, кутубхона, вақф, тарих, дарс, дарсликлар, илк манбалар, ҳукмдор, архитектура

Феруза Хаятовна Бабаджонова,

Бухарский Государственный Университет
Преподаватель кафедры истории Бухары,
кандидат исторических наук, доцент
bobojonova.feruza.71@mail.ru

ВОПРОСЫ СТРОИТЕЛЬСТВА БУХАРСКИХ МЕДРЕСЕ, ИХ МАТЕРИАЛЬНО- ХОЗЯЙСТВЕННОГО ОБЕСПЕЧЕНИЯ И ОРГАНИЗАЦИИ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ

АННОТАЦИЯ

В статье рассматриваются источники освещающие деятельность медресе в Бухаре, в конце XIX- начале XX вв., как основной формы учебных заведений. В статье, так же рассматривается материальное положение и обеспечение учащихся медресе.

Ключевые слова: Медресе, хужри, (кельи) библиотека, вақф, история, урок, учебники, первоисточники, правитель, архитектура.

Feruza H. Bobodjonova,

Bukhara State University

Lecturer at the Department of Bukhara History,

Candidate of Historical Sciences, Associate Professor

bobojonova.feruza.71@mail.ru

THE ISSUES OF CONSTRUCTION OF THE BUKHARAN MEDRESSES, THEIR MATERIAL AND ORGANIZATION OF THEIR ACTIVITY

ABSTRACT

The article deals with the written sources on the activity of the madrassahs in Bukhara as the main form of the educational institutions in the late 19th – early 20th centuries.

Index Terms: Madrassah, hujra-cells, library, waqf – endowment, history, lesson, textbooks, written sources, ruler, architecture.

1. Долзарблиги:

Анъанавий таълим тизимининг юқори босқичи-мадрасалар ҳақидаги илк маълумот Наршахийнинг “Бухоро тарихи” асарида берилиб, Бухоро шаҳридаги Форжак номидаги мадрасанинг 937 йилги ёнғин пайтида ёниб кетгани[1] айтиб ўтилади. “Мадраса” сўзи луғавий жиҳатдан “дарс берадиган жой”, “билимгоҳ”, [2] “ўқиш жойи” [3] деган маъноларни англатган. Ўрта асрларда Бухоро мадрасалари илм маскани сифатида нафақат Мовароуннаҳрда, балки Марказий Осиё, мусулмон шарқида ҳам машҳур эди [30;14]. Мадрасани муваффақиятли битирганлардан мамлакат бошқаруви, ҳуқуқ-тартибот ва таълим муассасалари учун кадрлар, уламолар етишиб чиққан [17].

2. Методлар:

Мавзуни ёритишда тарих фанининг тарихийлик холислик, муаммоли хронологик, кетма-кетлик, қиёсийлик, таққослаш, оддийдан мураккабга томон изчиллик сенгретика методларидан умумий фойдаланилди ҳамда унда Бухоро амирлигидаги мадрасаларнинг қурилиши, моддий-ҳўжалик таъминоти ва фаолиятини ташкил қилиш масалалари илмий ёритилган.

3. Тадқиқот натижалари:

XIX аср охири ва XX асрнинг бошларига келиб Бухоро мадрасаларида нафақат Туркистон, балки Россия империясининг турли ўлкаларидан келган мусулмон аҳолиси вакиллари ҳам таълим олар эдилар [51;88]. Фитрат, Файзулла Хўжаев, Садриддин Айний ва бошқаларнинг маълумотларига қараганда, Бухоро мадрасаларида 1920 йилнинг охиригача четдан келган талабалар ўқишни давом эттирганлар. Амирликнинг чекка ва яқин атрофдаги туманларидан, қўшни ва бошқа мусулмон мамлакатларидан мадрасага ўқишга келганлар ҳам ўқишга қабул қилинганлар.

Энг йирик мадрасалар амирликнинг маркази Бухоро шаҳрида ҳамда Қарши, Гиждувон, Шаҳрисабз, Шеробод шаҳарларида, Шарқий Бухоро бекликлари марказларида фаолият кўрсатган. Умуман, Бухоро амирлигида юзлаб мадрасалар мавжуд эди. Мадрасалар кичик, ўрта ва йирик мадрасалардан иборат бўлган.

Садриддин Айнийнинг қайд этишича, Бухоро мадрасаларининг ислом оламидаги нуфузи жуда юқори бўлиб, уларда таълим олган уламоларнинг диний масалалардаги сўзлари Миср ва Ҳижозда ўқиганларнинг сўзларидан кўра мўътабарроқ ҳисобланган [25;165].

Ҳар бир мадрасалар уларнинг асосчилари номи билан аталган [4]. Ким мадрасани қурдирган бўлса, ушбу мадрасага унинг исми, қишлоқ жойларда мадраса қайси қишлоқда жойлашган бўлса ўша қишлоқнинг номи берилган [4].

Мадрасалар қурилишига ҳукмдорлар катта эътибор қаратсалар-да, улар хусусий хайр-эҳсон эвазига фаолият кўрсатган. Мадрасалар холис хусусий мулк ҳисобидан қурилиши шарт бўлиб, хон ва амирлар, йирик амалдорлар томонидан бундай иншоотларни давлат мулкидан бунёд этилиши шариятга ҳилоф ҳисобланган [4].

Бухоро мадрасаларининг бинолари асосан пишиқ ғиштдан, икки қаватли[3] ёки бир қаватли қилиб қурилган[3]. Одатда мадрасалар ички ва ташқи саҳнга, баланд ва мустаҳкам деворга, ҳашаматли тоқ ва равоқларга эга бўлиб, баъзиларининг пештоқлари, гумбазлари ва деворлари ранг-баранг кошинлар билан безатилган. Мадрасалар ички ва ташқи майдонига эга бўлган[18]. Анъанавий тарзда унинг биринчи қаватида дарсхоналар, кутубхона, масжид, таҳоратхона, иккинчи қаватида эса талабалар яшайдиган ҳужралар бўлган[3].

Мадрасалар қуриш иши Бухоро амирлигида ўзига хос тарзда амалга оширилган. Асрлар оша бу иш билан шуғулланилганлиги боис, бу борада бой тажриба ҳам шаклланиб бўлган эди. Шунинг учун Бухоро мадрасалари нафақат ўқув юрти, балки ўзига хос меъморий иншоот ҳам эди. Бухородаги Улуғбек, Мир Араб, Нодир Девонбеги, Қўқалдош, Абдуллахон ва Абдулазизхон мадрасалари бебаҳо ва нодир меъморий ёдгорлик сифатида ҳозирги кунда ҳам машҳурдир.

Бухоро амирлигида энг машҳур ва нуфузли олий ўқув юрти бу Мир Араб мадрасаси бўлган. Мадрасанинг номи ҳам уни қурдирган шайх номи билан боғлиқ бўлиб, унинг тўлиқ исми Мир Араб Абдуллоҳ ал-Яманий бўлган[16]. 1530 йилда бунёд этилган бу мадраса шаҳарнинг марказий қисмида қурилган, унинг баланд пештоқлари ва гумбазлари бўлиб,[14] шимолий гумбази ярим кошин билан қопланган, жанубий гумбази эса безатилмаган. Мадрасага ҳашаматли баланд пештоқдан кирилган. Мадрасанинг ғарбий томони Масжиди Калон номи билан аталган масжидга туташган[14]. Мадрасанинг режаси ва ундаги бинолар худди Улуғбек мадрасасидагидек жойлаштирилган. Мадрасада шайх Абдуллоҳ ва унинг қариндошлари дафн қилинган, шунингдек гўрхона ҳам мавжуд бўлиб, дабдабали қилиб безатилган. Мадраса билан масжид орасида шаҳар аҳолиси юрадиган йўл бўлган[14]. Мадраса ҳовлисининг чор атрофи икки қаватли ҳужралар билан ўралган. Мир Араб мадрасасининг вақфномасида қайд этилишича, бу ердан жуда ҳам кўп олим ва уламолар етишиб чиққан[14].

Бухорода ҳукмдор бўлган хон ва амирлар томонидан ҳам кўплаб ҳашаматли мадрасалар бино этилган. Масалан, шайбонийлардан Абдуллахон II ва манғитлардан Амир Ҳайдар Бухоро аркида мактаб, масжид, хонақоҳ, мадраса қурилишини қўллаб-қувватлаган[28;403].

Фақатгина XIX асрда 60 дан ортиқ мадраса қурилган[43;4] бўлиб, уларнинг орасида амир Насруллоҳ мадрасаси (1860 йилда), амир Музаффар мадрасаси (1868 йилда), амир Олимхон мадрасаси ҳукмдорлар томонидан барпо этилган. Ўзи қурдирган мадраса тўғрисида амир Олимхон шундай деб ёзган: “Бухоро минорасининг паст томонида ўз номидан Дорил-улум – билим уйи бўлган бир мадраса қурдирдим, ҳар хил илмдан дарс берувчи муаллимлар тайин эттирдим. Мазкур мадрасада истикомат қиладиган талабалар сарф-харажатлари, маош ва кийим-кечак ҳам ўз тарафимдан белгиланиб, унга бир нафар нозир тайин этдим. Уларнинг емак-ичмак, маош ва кийим-кечакларини муайян бир вақтда етказардим”[26;8]. Бундан шуни англаш мумкинки, бу мадраса қурилган вақтда амир Олимхон вақф мулки ҳақида гапирмаяпти. Анъанага мувофиқ вақф мулкидан эмас, балки давлат таъминотидан фойдаланганлиги ҳақида гап бормоқда. Демак, XX аср бошида мадраса таъминотида муносабат ўзгара бошлаган.

Мадрасаларнинг айримлари аёллар томонидан ҳам қурдирилган. 1700 йилда қурилган Биби Халифа мадрасасининг вақф ҳужжатида шундай жумла мавжуд: “Ифбатпаноҳ, исматдастгоҳ, зайн ул-машварат, аёллар шарафлиси, афифа, солиҳа, сожида, ҳарамайн ул-шарифайнни ҳаж қилишга муяссар бўлган Ҳожи Биби Халифа бинти марҳуми мағфури ғарик ур-рахмат ва ризвон Мулла Муҳаммад Саъид Бухорода ҳазрат қутб ул-актоб (мир Тахур девон) масжид ва хонақоҳи гузарида мадраса қуришга киришди”[10]. Мадраса тош, пишиқ ғишт ва ёғочдан қурилиб, унинг 30 та ҳужраси, 4 та гумбази, дарсхона, ички ва ташқи ҳовлиси бор эди. Айрим манбаларда айтилишича, ушбу мадрасада фақат қизлар ўқитилган экан[10].

Болойи Ҳовуз мадрасасини ҳам аёл киши қурдирган. Ушбу мадрасани Бухоро хони Субҳонқулихоннинг Подшоҳбиби исмли хотини 1703-1704 йилда қурдирган[15].

Подшоҳбибининг иккинчи номи Ситорайи Моҳ хоним бўлган. Мадрасанинг вақф ҳужжатида айнан “Ситорайи Моҳи Хосса мадрасаси вақфи” деб ёзилган. Тарихдан маълумки, амир Саид Олимхон ҳам 1911-1915 йилларда худди шундай ном билан шаҳарнинг четроғида сарой курдирган. Шу сабабли Ситорайи Моҳи Хосса деганда, амир Олимхон курдирган сарой ҳам англашилади.

Бухоро қалъасидан ташқарида, Жўйбор мавзесининг ғарбида жойлашган мадрасани 1790 йилда Муҳаммадхон Элбарсхон қизи Ойшабиби курдирган. Мадрасанинг ичи, ҳовлиси ва ҳужраларининг ҳаммаси пишиқ ғиштдан бўлган. Бу мадраса Нафас қишлоғидаги энг машхур мадрасалардан бири ҳисобланган. Ойшабиби Мудин қишлоғидаги тўртбурчакли, 150 таноб (бир таноб-3600 кв. га эга) ерини ҳам мадраса хизмати учун берган[11].

Бухоронинг охири қози калонларидан бири бўлган Садри Зиё ўз асарларида Бухоро шаҳридаги 204 та мадрасани тадқиқ этган. Унинг ёзишича, Бухорода қуйидаги мадрасалар аёллар номи билан аталган: Сарой Ойим мадрасаси, Зубайда Ойим мадрасаси, Манғит Ойим мадрасаси, Биби Халифа мадрасаси, Модарихон мадрасаси, Шарофатбону мадрасаси, Қалмоқжон Ойим мадрасаси, Чучук Ойимнинг Сангин мадрасаси[34;86].

1900-1920 йилларда Бухоро шаҳрининг нуфузли кишилари ҳам бир қанча мадрасалар курдирганлар ва уларнинг фаолиятини таъминлаш учун вақф мулкани васият қилиб қолдирганлар. Масалан, Обиравон маҳалласи ва Масжиди Баланд маҳалласида номаълум бой томонидан саккиз ҳужрадан иборат мадрасалар, Кемухтгарон маҳалласида чоржўйли бой, Авлиёйи ғариб маҳалласида Домла Рўзи, Тўпахон маҳалласида Бақобой, Хўжа Рофе маҳалласида йирик бой Жўра чанглоқ (32 ҳужралик), Замуча маҳалласида тошкентлик Мулло Султон (2 ҳужралик), Дилкушойи дарун маҳалласида номаълум кексайган аёл, Мир Тахури девон маҳалласида Хўжа Қурбон исмли гўрков, Кокида маҳалласида Абдуҷафар бой, Косагарон маҳалласида шахрисабзлик Йўлдошбой ва бозор оқсоқоли Иброҳим оқсоқол ҳаммаси бўлиб 12 та мадрасани курдирганлар[41;75].

XIX аср охири ва XX аср бошларида Бухоро мадрасаларининг энг машхурлари сифатида Кўкалдош, Мири Араб, Абдуллахон ва Заргарон мадрасалари кўрсатилади[27;77]. Абдуллахон мадрасаси икки қаватли бўлиб, тўртта фонус билан ёритилган. Биринчи ва иккинчи қаватларда саккизта фонус бўлиб, ҳар бир фонусда 16 мураббаъ ҳужра қурилган. Пештоқининг баландлиги 45 аршин (71,12 см х 45 = 32 м) келади.

Бухоро шаҳридаги кўп мадрасалар ёнида масжидлар бўлиб, XX асрнинг бошларида бу ерда 360 та беш вақт намозлик ва 18 та жомеъ масжиди ишлаб турган[34;78]. Айрим мадраса ва масжидлар ўртасида девор тортилган. Мадраса талабалари масжидга осон кириб чиқишларини таъминлаш мақсадида кичкина дарча – эшик очилган[39;304].

XIX асрнинг охирларида Бухоро амирлигининг ягона рус божхона тизимида киритилганидан кейин Россия империяси ҳукумати амирлик чегараларини “қўриқлаш” баҳонаси билан Эрон, Афғонистон, Ҳиндистон, Хитой (Қашқар)дан, Россия худудидан (хусусан, Қрим, Татаристон, Шимолий Кавказдан) келадиган мусулмон талабаларининг ўқишига турли йўллар билан тўсқинлик қилишга астойдил ҳаракат қилади. Сиёсий агентликка Россиядан Бухоро мадрасаларига ўқишга келадиган ёшларнинг сонини анча камайтириш тўғрисида махсус кўрсатма берилади. Натижада мадраса талабаларининг сони йилдан-йилга камайиб борган. Агар Шохмурод амирлиги (1785-1800 й.) даврида мадрасаларда 30 минг талаба таҳсил олган бўлса, XX аср бошига келиб, уларнинг умумий сони 10 минг муллаваҷчани ташкил этган[43;4]. Аммо амирлик ҳукумати Бухоро мадрасаларида Россия фуқароларининг келиб ўқишини таъқиқлаб қўйиш мусулмон халқларининг норозилигига сабаб бўлиб, тартибсизликлар келиб чиқишидан хавфсираб, бу жараёни бутунлай тўхтата олмаган[2].

Бу даврда Бухоро мадрасаларининг сони ҳақида турли манбаларда ва асарларда турлича маълумот қайд этилади[32;191]. Н.Хаников мадрасалар сонини 180-200 та, талабалар сонини эса 15-16 минг нафар деб кўрсатган[50;223].

XIX аср охири ва XX асрнинг бошларида Бухоро амирлигидаги мадрасалар сонини ўша даврда яшаган Абдурауф Фитрат ва Садриддин Айний 200 та, Садр Зиё 204 та,

Муҳаммад Али Балжувоний эса 400 та деб кўрсатади. Хуллас, турли маълумотлар умулаштирилганда Бухоро амирлигида 200 дан 400 тагача мадраса мавжуд бўлган. Бухоро амирлигига қўшни, илгари мамлакат таркибида бўлган Самарқанд вилоятида 217 та мадраса бўлганлиги назарда тутилса, амирликда 400 тага яқин мадраса мавжудлиги ҳақиқатга анча яқинлиги маълум бўлади[5]. Туркистон генерал-губернаторлиги ҳисоботи билан боғлиқ архив ҳужжатлардан бирида 1914 йилда Бухоро амирлигида 350 та мадраса фаолият кўрсатаётгани қайд этилган[16].

Шунингдек, О.А.Сухареванинг фикрича, биргина Бухоро шахрининг ўзида 133 мадраса бўлган[40;57]. Яна бир тадқиқотчи Л.И.Ремпель XX аср бошларида Оренбургда чиқадиган “Шўро” журналининг маълумотларига асосланган ҳолда Бухорода олий даражадаги мадрасалар - 34 та, ўрталари – 35 та, қуйилари эса - 100 тадан ортиқ бўлганлигини кўрсатиб ўтади. Демак, фақат Бухоро шахрининг ўзида 170 тадан ортиқ мадраса бўлган.[43;97]

Мадрасалар катта ва кичик ҳужралардан иборат бўлган[12]. Архив маълумотларига қараганда, Бухоро мадрасаларида ҳужра олган талаба куйидагича шартномани имзолаган: “1917 йилда Мулло Шоди валади Сўфиназар Бухорои Шариф дорул қозисига келиб, Абдушукур мадрасасининг жанубий томонидаги пастки ҳужрани шариатда саҳиҳ бўлганини иқдор қилганини ва ҳужра ичида бўлган эшик, асбоблар ва бошқа хўжалик нарсалари борлигини, яшайдиган одамлари ҳам борлигини, уларга, ҳеч қандай нуқсон ва қусур етказилмаганини бир қанча гувоҳлар олдида иқдор қиламан.”[20]

Хуллас, Бухоро мадрасалари бир вақтнинг ўзида талабалар учун ётоқхона вазифасини ҳам ўтарди.[17] Ҳужраларда одатда иккитадан,[10] айрим мадрасаларнинг ҳужрасида биттадан талаба яшаган. Масалан, Абдурахмонбой мадрасасида 9 та ҳужра бўлиб, уларда 9 нафар талаба таҳсил олган[7]. Бухоро мадрасалари ўзининг ҳужралари сони билан бир-биридан фарқ қилган. Бизнинг замонамизгача етиб келган ва вақф ҳужжатларида сақланиб қолган маълумотларнинг умумий таҳлили шуни кўрсатадики, мадрасаларнинг ҳужралари сони турлича миқдорда бўлиб, ягона меъёр бўлмаган.[13]

Бухоро шаҳридаги айрим мадрасалар рўйхати:[13]

№	Мадрасанинг номи	Ҳужралари сони
1	Кўкалдош	150
2	Абдуллаҳон	141
3	Абдуллоҳхон	140
4	Аскарбий	121
5	Мир Араб	111
6	Аҳмаджон пўстиндўз	110
7	Абдулло Баҳодурхон	64
8	Амир Насрулло ибн амир Ҳайдар	40
9	Амир Насрулло ибн амир Ҳайдар	30
10	Раҳматқули Қоракўлбек	37
11	Қози Латиф	25
12	Муҳаммад Жаъфар Хўжа Нокиб ибн Муҳаммад Қамархўжа Нокиб	19
13	Дору-ш-шифо	18
14	Саид амир Насрулло ибн амир Ҳайдар	13
15	Хожи Абдулло ўғли Хожи Муҳаммад Ниҳол	12
16	Мирзо Убайдулло ибн Мирзо Неъмат	11
17	Сайид Амир Ҳайдар ибн Амир Маъсумхон	10

18	Ҳожи Муҳаммад Қосим Қошғари ибн Муҳаммадёрбой	8
19	Қори Абдусалом	7
20	Ҳожи Раҳматуллоҳ	6
21	Абдулмўминбой	5
22	Бобожонбой	4
23	Искандархон Аталмиш	3
24	Аминжон Жонкут	2

Мадраса фаолиятининг асосий манбаини вақф мулки ташкил этган. Одатда вақф мулкининг катта қисмини ер мулклари (экин ерлари) ташкил этган. Масалан, Бозори Гўсфанд мадрасасига Нурато (Нурота), Шаҳрисабз ва Бухоронинг 20дан ортиқ кишлоқларининг экин ерлари вақф қилиб берилган эди.[35]

Мадрасалар қурилгач, у мадраса бошқарувчиси (мутавалли)га топширилган ва уни қурдирган шахснинг тасарруфидан чиқарилиб, вақф мулкига айлантирилган. Чунки шариатга мувофиқ вақф моли мулк бўлмайди, биров уни эгаллаб, мулк қилиб туролмайди[19]. Вақфдан келган фойдани вақфга тегишли ерларни таъмирлаш, тузатишга сарф қилинади[33;24].

Мадрасалар кичик, ўрта ва олий мадрасалардан иборат бўлиб[6], йирик мадрасаларда вақфдан тушадиган йиллик даромад 40.000-250.000 тангани ташкил этган[36;167]. Ўрта мадрасаларда эса вақфдан тушадиган йиллик даромад 120 тангадан 3500 тангагача бўлган[37;14]. Вақфдан тушадиган йиллик даромад кичик мадрасаларда 500 танга атрофида бўлган. Абдурауф Фитрат эса мадрасаларнинг вақф мулкидан оладиган жами даромади ҳақида қуйидаги маълумотни қайд этади: “Бухоро мадрасаларидаги олий табақадаги мадрасаларнинг вақф миқдори 2.815.000 тангага, ўрта тоифадаги мадрасаларнинг жами вақф миқдори 961.000 тангага ва ниҳоят, қуйи тоифага мансуб мадрасалар нинг вақф миқдори 500.000 тангагача етган”[47;14].

Кўпинча вақфномалар ҳар ўн йилда янгиланиб борилган. Мир Араб мадрасасининг бир вақфномасида: “Ҳар ўн йилда мутавалли катта-катта олим ва фузалоларни мадрасада йиғиб, мажлис қилиб, вақфномада ёзилган нарсаларни мажлис аҳлига тақдим қилсин. Ва эълон қилсинки, ўша шаҳарнинг ислом қозисининг амри бажарилади. Ўша мажлисда қозининг ҳукми билан вақфнома қайта янгилансин. Ёзувчи ва қоғозларнинг ҳақини мадраса ёки вақфлардан ҳосил бўлган маблағдан берсин. Янгиланган ҳужжат қозининг дафтарида қайд қилинсин,”[14] - деб ёзиб қолдирилган. Вақф қилувчидан бошқа ҳеч бир кишининг вақфни ўзгартиришга ҳақи бўлмаган.[14]

Бухородаги мадрасаларнинг вақф ҳужжатларида қайд этилган тартиб-қоидалардан айримларини мисол сифатида келтирамиз. Абдуллаҳон мадрасасининг вақф маблағини Фитрат 50 минг танга деб таъкидлайди[47;15]. Вақф мулкидан тушган маблағ қуйидагича тақсимланган. Энг аввало, маблағ мадраса биносини доимий равишда таъмирлаб боришга сарфланган. Қолган маблағнинг бешдан бир қисми (хумс) икки нафар мударрисга иш ҳақи сифатида берилган. Вақф мулкини бошқарувчига (мутаваллига) қолган маблағнинг 20 дан бир қисми (нисфи ушр) ажратилган. Шунингдек, мадрасада имомга йилига 200 кумуш танга, муаззинга 100 танга, навбат билан хизмат қилган уч нафар фаррошнинг ҳар бирига 60 танга, масжидни ёритишга (шам, чироқ учун) 24 танга, наomat ва бўйра сотиб олиш учун 60 танга сарфланган. Ниҳоят, юқоридагилардан қолган маблағ мадраса талабалари ўртасида тақсимланган[8].

Йирик мадрасалардан бири ҳисобланган Мир Араб мадрасасининг вақф маблағи эса қуйидагича тақсимланган: мутаваллига бериладиган маош вақфлардан ҳосил бўладиган маблағларнинг ўндан бирини ташкил этган. Қолган маблағни мадраса биносига, агар зарурат бўлса ва маблағ ортиб қолса, учдан бири мадрасанинг ходимларига (мадрасани доим муҳофазасида қоим бўлган, сув билан таъминлаб берган кишиларга) берилиши керак бўлган[14]. Муфтийлар, муаззинлар, имомлар ва мадрасада шаръий илмлардан дарс

берадиган мударрисларга вақфдан йил давомида тушган маблағнинг учдан биридан ҳосил бўладиган олтидан бир улуши берилган. Муфтийларга бир йилда (уч муфтийнинг ҳар бирига) бир мисқол, 100 нуқра тангаси берилган[14]. Шунингдек, вақф маблағидан имом, мутавалли ва муаззинга маош ажратилган. Шулардан ортиб қолган маблағ мадрасада таълим олувчи толиби илмларга берилиши кўрсатилган. [14]

Мадрасалар ҳисобига вақф ажратилган вақтда харажатлар ҳам назарда тутилган. Масалан, Бухоро музейида сақланаётган вақфга доир ҳужжатда мадрасани таъмирлашдан ортиб қолган даромаддан китоблар сотиб олиш учун йилига 150 танга, кутубхона китобларини таъмирлаш ва янги китоблар сотиб олиш учун йилига 80 танга ажратилиши белгилаб қўйилган. Бундан ташқари дарсхона ва масжидга бўйра, шам олиш учун ҳам муайян миқдорда маблағлар ажратилган. Вақф эгасининг шарти бўйича шу даромаддан мадраса талабалари мударрис томонидан белгиланган миқдорда ғалла билан таъминланиш, мударриснинг ўзи эса даромаднинг тўртдан бир қисми ҳажмида маош олиши белгилаб берилган[22].

Манбаларнинг гувоҳлик беришича, вақф қилувчи вақфномада ўзининг ўғил-қизлари ва қариндошлари манфаатини ҳам ўйлаган. Масалан, Мир Араб мадрасасининг бир вақфномасида: “Ана шундан ортиб қолган маблағнинг учдан иккисини вақф қилувчи ҳазратларининг ўғил ва қиз фарзандларига, ҳар бир ўғил ҳақини икки қиз ҳақи бараварида тақсимлаш, вақф қилувчининг авлодларидан биронтаси ўлса, унинг ҳақини фарзандларига берилиши, вақф қилувчининг авлодларидан биронтаси фақирлик ҳолига тушса, мутавалли барчасига ҳақларини бергандан кейин ортиб қолган пуллардан фақирларнинг ҳақиға риюя қилиб яна қўшиб бериши ҳақида ёзиб қолдирилган[14].

Айрим ҳолатда мадрасаларда вақф маблағини суистеъмол қилиш ҳолатлари ҳам учраб турган. Абдурауф Фитратнинг ёзишича, айрим мадрасаларда (масалан, Говкушон мадрасаси) мударрислик қилувчилар муллабаччаларга вақф маблағини улашиш жараёнида суистеъмолчиликка йўл қўйган, яъни муллабаччалар сардорига шерикларидан бир нечтасининг исмларини ортиқроқ ёзишни буюрган ва уларга тақсимланган пулни қайтариб олган[48;112].

Айрим мадрасалар учун мансабдор шахслар, бозорлар ва карвонсаройлар томонидан маълум миқдорда маблағ ўтказиб турилган. Масалан, XIX асрнинг ўрталарида йирик мадрасалардан бири ҳисобланган Кўкалдош мадрасасига Нўғай карвонсаройи томонидан йилига 240 тилла ҳажмидаги маблағ ўтказиб турилган[50;223].

Мадрасаларнинг молиявий таъминоти учун турли кўринишдаги вақф мулклари ажратилган. Масалан, Бухоронинг ўз даврида энг машҳур ва бой бўлган мадрасаларидан бири Абдуллахон (ғарбий) мадрасасининг вақфномасида унга ажратилган вақф мулклари ҳақида шундай маълумот кўрсатилган: Муҳаммад Султон масжиди ёнида 7 та, анорфурушлар бозори олдида 6 та, бошқа тарафида 9 та, Ислон дарвозаси олдида 4 та, Муҳаммад Султон масжидининг бошқа тарафида 6 та, Амир Жанолибий масжиди кўчасида 6 та, Регистон ҳаммоми ёнида 8 та ва улардан ташқари яна 56 та турли дўкон; Оҳани бозори яқинидаги, Говкушон ҳамда Ғозиён ҳаммомлари ва яна 32 та ҳар хил дўкон вақф қилинган эди. Булардан ташқари, Ғиждувон тумани ва Насаф вилоятида ҳам ер ва дўконлар Абдуллахон мадрасасига вақф мулки қилинади[10]. Мадрасанинг йиллик даромади 50 минг тилла тангадан иборат эди[47;14].

“Вақф” журналига қўшимча қилиб чиқарилган “Шўро” журналининг берган батафсил маълумотларига қараганда, Биринчи жаҳон уруши арафасида Бухоро мадрасаларининг вақфларидан келган даромадлар катта маблағни – 4.742.000 тангани ташкил этган.[42;145] Бундан ташқари, энг улкан ҳисобланган Кўкалдош билан Мир Араб мадрасаларининг йиллик даромади 150 минг танга, Гавкушонники 190 минг танга бўлса, Жаъфархўжа мадрасасиники эса 350 минг тангага етган[43;4]. Шунинг учун ҳам домлалар шу даргоҳларда таълим беришга, талабалар эса таҳсил олишга интиланлар.

Ўқув жараёнини ташкил этиш одатда, мударрисларнинг зиммасида бўлиб,[6] улар қуйидаги уч тоифага бўлинган:

Биринчи тоифа – аъло даражали мударрислар деб аталган ва уларга қози ул-қуззот, раиси калон, шайх ул-ислом, охун, аълам, муфти аскар кирган.

Иккинчи тоифа – ўрта даражали мударрислар деб аталган. Бу тоифадаги мударрисларни кийган кийимларига қараб банораспўш ва беқасабапўш деб аташган. Билим жиҳатидан эса ушбу тоифадан чиққан мударрислар муфтий даражасига эришганлар. Мазкур тоифадаги мударрислар тахминан 200 нафар бўлиб, уларни яна авсата тадрисий - ўрта мударрислар деб ҳам атаганлар.

Учинчи тоифа – қуйи даражадаги мударрислар ҳисобланиб, уларни асфол тадриси деб аташган. Ушбу тоифадаги мударрислар, имом мударрислар, баъзан беқасабапўш деб ҳам аталган. Имом мударрисларнинг сони 300 дан ортиқроқ бўлган[34;33]. Мадрасаларда мударрислар (мадрасада таҳсил олувчи талабаларга дарс берган, маъруза қилган) сони уларда таълим олувчилар сонига қараб белгиланган. Бухоро мадрасаларида дарс берувчи мударрисларнинг сони XX аср бошларида тахминан 800 нафар деб кўрсатилади[34;34].

Мударрис мадрасада дарс бериши учун ушбу лавозимга тайинланиш тартибига кўра, кичик мадрасаларнинг мударриси қозикалон томонидан, йирик мадрасаларнинг мударриси эса, амир томонидан тайинланган ва тегишли ҳужжатлар билан расмийлаштирилган. Абдурауф Фитратнинг қайд этишича, “Бухорода муоҳоз (вазифалик, мояна) яъни, охунлик, уламолик, муфтилик, мударрислик мартабалари жаноб олий ҳазрати Амир томонидан қозикалон воситаси-ла берилур”[48;122].

Қоида тариқасида мадрасаларга тайинланадиган мударрислар қозикалоннинг тақдими билан амир томонидан тасдиқланган.[6] Аммо кейинги йилларда бу вазифани кўшбеги ўз тасарруфига олган. Масалан, Амир Олимхон даврида мадрасанинг мударриси Насрулло кўшбеги томонидан тайинланган[46;23].

Кўшбеги архивида амир тасдиғидан ўтган 327 нафар мударрисларнинг рўйхати келтирилган.[7] Демак, мадрасалардаги мударрислар қозикалон томонидан амирга тавсия этилиб, тавсия этилган номзодни эса амирнинг шахсан ўзи тасдиқлаган. Бундан ташқари айрим мадраса мударрислари вақф мулки даромадларидан ташқари, имконияти бўлган айрим талабаларнинг ихтиёрий келтирган инъомлари ҳисобидан ҳам моддий таъминланиб турган. Бундай ҳолатларда мударрислар талабалари келтирган инъом билан қаноатланганлар ва ўзларини ортиқча таъмагирликдан тийганлар.[1]

Бухоро амирлигида мударрис лавозими ўнга яқин мансаблар поғонасида иккинчи поғонанинг тўртинчи даражасида турган. Бу лавозим бир умрга берилиб, унинг эгаси таълим билан машғул бўлишга имконияти бўлмай қолганда ҳам хазинадан маош олиб турган.[31;26]

Аҳмад Дониш мударрислик касбининг машаққатлари ҳақида “кундуз куни муаллим ўз ўқувчилари билан машғулотда банд бўлади, кечқурун эса эртанги кунги машғулотларга тайёрланади, хуллас у умр бўйи ўқийди ва ўз касби билан муттасил, танаффуссиз шуғулланади”, деган фикрларни баён қилган.[29;225]

Тарихда айрим ҳукмдорларнинг ўзи ҳам мадрасада мударрислик қилгани ҳақида маълумотлар учрайди. Масалан, Мирзо Улуғбек Самарқандда, Амир Ҳайдар Бухорода мударрислик қилган. Ўша давр тарихчиларининг асарларида Амир Ҳайдарнинг мадрасада таълим олувчи 400-500 нафар талаба шогирдлари ҳам бўлганлиги қайд этилган. Амир Ҳайдар талабалар учун Истанбул (Усмонли турк султонлиги)дан китоблар келтиришга шахсан ўзи ҳаракат қилган[28;107].

Ўша давр матбуотида “шаҳардаги олим-уламолар мадрасаларда дарс бериб, талабаларга кўп фойда келтириб, залолатда юрганларни илм чироғи билан ҳидоят топишларига сабаб бўлишади, улар холис Аллоҳ учун хизмат қиладилар”, деб мударрисларга юқори баҳо берилган.[53]

Нуфузли мударрислар вафот этса, шаҳардаги эътиборли диний уламолар мадраса мударрислари, талабалари ва маҳалла оқсоқолларини чақириб, эҳсон қилганлар, мадраса талабаларига кийим-кечак бериб, савобини марҳум ҳақида бағишлаганлар.[53]

Ўша давр матбуотида қайд этилишича, Бухорода мударрислик ва муфтийлик мартабаси амир томонидан “уларга тахти қалам учун эмас, балки мулла болаларни ва аҳли

толибни таълим ва тарбиясига қараш учун берилган. Муфтий ва мударрислар турли мансабларга тайинланиб, уларга унвонлар берилган»[53]. Демак, Бухоро мадрасаларида мударрислик ҳам шарафли, ҳам масъулиятли касб эди.

Юқорида қайд этилганидек, мударрисларнинг таъминоти вақфномада кўрсатилган вақф маблағининг мадраса таъмири учун кетган сарф-харажатдан қолган қисмидан ажратилган, унинг улуш миқдори вақф ҳужжатида аниқ қилиб белгиланган бўлган. XIX асрнинг ўрталарида Бухоро мадрасаларида мударрисларнинг оладиган маошлари қуйидагича бўлган: Ҳалимжон мадрасасида йилига 80 тилла, Жўйбори Хурд мадрасасида 100 тилла, Хиёбон мадрасасида 180 тилла, Муҳаммад Шариф савдогар мадрасасида 199 тилла, Кўкалдош мадрасасида 360 тилла, Хўжа Жўйбори Калон мадрасасида 500 тилла, Дорулшифо мадрасасида 700 тилла, Говкушон мадрасасида 700 тилла. Бундан ташқари Жаъфархўжа мадрасасининг 40 га яқин мударрисларининг ҳар бири йилига икки минг танга маош олганлар.[53] Мир Араб мадрасасидаги мударрисларга йилига 150 тангадан берилган, яъни вақф маблағининг учдан бир қисми маош учун ажратилган.[14] Шунинг билан бирга, юқоридагиларга нисбатан анча кам маош оладиган мударрислар ҳам бўлган. Масалан, нисбатан кичик Мулла Назар мадрасасида мударрисга 8-10 тилла, Абдуллабой мадрасасида 12 тилла, Аҳмад доруға мадрасасида 16 тилла, Азизон мадрасасида эса 30 тилла маош берилган[7]. Мударрислар сони ҳам мадрасадаги вақф маблағига қараб белгиланган. Масалан, Абдурахмонбой мадрасасида битта мударрис бўлгани ҳолда, Жаъфархўжа мадрасасида 40 нафар мударрис дарс берган[53]. Бундан ташқари Абдулазизхон, Модарихон мадрасаларида икки нафардан, Улуғбек мадрасасида бир нафар домла бўлган бўлса, ташқи кўриниши ва ҳужраларининг сони бўйича Кўкалдош, Мир Араб ва Гавкушон мадрасаларига тенг келолмайдиган Жаъфархўжа мадрасасида 40 нафар домла талабаларга таълим берган, яъни бу жиҳатдан ҳаммасидан устун турган, чунки у жуда кўп даромад келтирадиган вақфларга эга бўлган.[40;93]

Хуллас, XIX асрнинг охири ва XX аср бошларида Бухоро амири томонидан мадрасалар ва уларнинг мударрис ва ўқитувчилари учун йилига 100 минг рубль ажратилган[38;5].

Мадрасада ҳўжалик ишларини ташкил этиш ваколати қоида тариқасида мутавалли (бошқарувчи) зиммасига юклатилган. Барча вақф ҳужжатларида бошқарув иши, ишни юритиш ва назорат қилиш мутавалли ихтиёрида бўлишлиги кўрсатилган. Барча вақф мулкларида вақф қолдирувчининг ўзи ёки унинг ўғил ворислари, ўғилларидан ворис эркак бўлмаса ака-укаларнинг ўғиллари мутаввали бўлишган. Борди-ю вақт ва замон ўтиши билан агар эркак ворис ушбу авлодда қолмаса, шу авлоднинг қизларидан қолган ўғил болаларга қолдирилган[12]. Агар эғалик қилувчилар илмда, салоҳиятда ва тасарруф (бошқарув салоҳияти)да тенг бўлсалар қариндошликда яқинроғи, қариндошликда ҳам тенг бўлса, уларнинг энг ёши каттароғи тайинланган. [12] Мутаваллиликка эғалик қилувчи авлод вакилларида ҳеч ким қолмаса, Бухоро шахрининг ишончли қозиси мутавалли бўлиши мумкин бўлган. [12] Қозининг маоши эса вақфлардан ҳосил бўладиган фойданинг ўндан бирининг ярмига тенг қилиб белгиланган. Масалан, Биби Халифа мадрасасининг вақф ҳужжатида кўрсатилишича, мутавалли (воқиф) вақфчининг ўзи бўлган. Вақф ҳужжатларига мувофиқ “Мутавалли агар воқиф (вақф қилувчи)нинг айтганларига зид иш қилса, қолган авлодлар уни маън қилади (қилаётган ишидан тўхтатади). Агар у яна қайтмаса уч маротаба ман қилинади. Шунда ҳам қайтмаса, бошқа валийликка лойиқ авлодлари мутавалли бўлади. Ишдан олинган мутавалли даврида вақфлардан ҳосил бўлган маблағ қолган бўлса, ундан талаб қилиб олинади ва ўз ўрнига сарфланади. Воқиф томонидан қилинган шартларни амалга оширмаганлиги учун ундан ҳисобот талаб қилинади[12].

Ўз навбатида мутаваллига ҳам маълум ваколат берилган: Хусусан, “Мазкур вақфларнинг бирор-бир ходими шариатда катта гуноҳ деб ҳисобланган ишни қилса, мутавалли уни уч мартагача огоҳлантиради, агар қайтмаса, унинг ўрнига бошқа бир кишини тайинлайди”. Бундан ташқари, агар мутавалли янги ходимни ишга олмоқчи бўлса, юқоридаги шартларни маълум қилиши ва ҳар йили мазкур шартларни бошқа ходимларга ҳам

эслатиб туриши лозим бўлган. Мир Араб мадрасасининг вақфномасида: “Мутаваллига бериладиган маош вақфлардан ҳосил бўладиган маблағларнинг ўндан бирини ташкил этиши” кўрсатилган[12].

Мадраса талабалари асосан икки гуруҳга бўлинган: дарсга мунтазам қатнашадиган, мадраса ҳужрасида яшаб ўқийдиган талабалар ва дарсларга эркин қатнашадиган талабалар. Мадрасаларнинг сони хусусида бўлгани каби, уларда таҳсил олувчи талабаларнинг сони ҳақида ҳам турли маълумотлар мавжуд. Манбаларда ва адабиётларда Бухоро мадрасаларида XIX асрнинг 40-йилларида 9-10 минг нафар[50;88], XIX асрнинг охирида 10 минг нафар[43;4], XX асрнинг бошида эса 20 минг нафар[52;16] талаба таҳсил олганлиги қайд этилади.

Мадрасада таҳсил олувчиларнинг таъминоти ҳам мадрасага тегишли бўлган вақф мулкисининг миқдорига қараб ҳар хил бўлган. Масалан, XIX асрнинг ўрталарида Эрназар мадрасасида (уни Эрназар элчи қурдирган) талабанинг йиллик таъминоти 2,5 тиллани ташкил этса, Хўжа Жўйбори Калон мадрасасида 20 тиллани ташкил этган[50;86]. Кўкалдош мадрасасининг бир йиллик даромади 150 минг танга бўлиб, бу маблағдан 74 минг тангаси 148 ҳужрага, яъни муллабачаларга тақсимланган, мударрисга 28 минг танга, имомга 10 минг танга ажратилган[40;8]. Ҳар бир талаба мадраса ҳужраларидан бирини, яъни ўзи яшайдиган хонани сарф-харажати ва меҳнати билан обод қилиб, мабодо талаба ушбу ҳужрани тарк этишига тўғри келса, у ҳолда ҳужрани тузатиш учун сарф қилинган маблағни бошқа талабадан олиши ва шундан кейингина ҳужрани унинг номига ўтказиши лозим бўлган. Талабаларга иссиқ овқат кўпчилик мадрасаларда бир марта–тушликда берилган. Мадрасаларда моддий таъминот 3 хил кўринишда амалга оширилган: пул, ғалла, пул ва ғалла (қўшма ҳолда). Талабаларга бериладиган таъминот (нафақа) миқдори эса мадрасанинг вақф мулки даромадининг миқдорига боғлиқ эди, бу миқдор эса ҳар хил бўлган. Талабаларга ўқиш учун маълум даражада минимал шароит яратилган: ҳужраларда ўқиш ва ёзиш учун шам, ерга тўшаш учун бўйра, қиш кунларида таҳорат қилиш учун ҳаммомлардан иссиқ сув келтириб берилган, ҳайит байрамларида катта зиёфат берилган, рамазон ойида эса кучли калорияли овқатлар бериб турилган. Мадраса талабалари ўзларининг сарф-харажатлари учун мадрасага бириктирилган вақф мулки даромадларидан ишлатиши мумкин эди. Албатта, бу тўғрида вақфномада қайд этилган бўлиши шарт эди[53]. Моддий жиҳатдан таъминланган оилаларнинг фарзандлари четдан маблағ олмасдан таҳсил олган. Мадрасанинг баъзи талабалари эса амир ҳукумати стипендияси билан ҳам таъминланган[39;304]. Бухоронинг сўнгги амири Саид Олимхон ўзи қурдирган мадраса талабаларини моддий жиҳатдан таъминлаб турган[44;50].

Бухоро мадрасаларида таҳсил олган талабалар тўрт манба асосида кун кечирган: 1)вақф даромади ҳисобидан; 2)ўзининг ўқитувчилик фаолияти ҳисобидан (ёз ойларида); 3)отасининг мол-мулки ҳисобидан; 4)давлат таъминотидан (нафақа–стипендия). Мадрасада ўқитиладиган фанларни ўзлаштиришда, шунингдек таълим-тарбияда ўзини кўрсатган талабалар давлат стипендиясини олишган. Бу стипендия даҳ-як, яъни ўндан бир деб аталган. Унинг соҳибини даҳякхўр деб аташган. Стипендияга даъвогарлар махсус имтиҳондан ўтказилиб, унинг натижалари шахсан амирга тақдим этилган[44;50]. Мадраса талабалари ўқиш учун, ҳужраларда яшаш учун, кутубхона китобларидан фойдаланиш учун пул тўлашмаган, булар текин бўлиб, вақф ҳисобидан эди.

Мадраса талабаларининг яшаш тартиблари, шарт-шароитлари ҳақида Садриддин Айний, Абдурауф Фитрат каби маърифатпарвар кишилар анча кескин, танқидий фикрлар билдирадilar. Хусусан, Абдурауф Фитратнинг ёзишича, мадрасада таҳсил олувчи муллабаччалар 6 ой ўқиб, қолган 6 ой мобайнида қишлоқларга бориб, имомлик қилишиб, пул тўплашган. Муллабаччалар таҳсилнинг биринчи йилида, иккинчи таҳсил йилида ўқилиши лозим бўлган китоблардан дарс бошламоқ учун ҳар ким қурби етганича, масалан, 20 тангадан 500 тангагача маблағ тўплаб, устозларига беришган[49;122].

Архив материаллари ва мавжуд тарихий адабиётларни ўрганиш шуни кўрсатадики, амирликда ҳокимиятдаги ўз мавқеи бўйича учинчи ўринни эгаллаган қозикалон халқ

таълимининг аҳволи, тарбиявий ишлар, исломий ақидаларни амалга ошириш вазифаларига масъул ҳисобланган[17]. Амирликнинг барча вилоятлари ва шаҳарларида унинг вакиллари бўлиб, юқоридан келган топшириқларни амалга оширган. Демак, таълим тизими ҳокимиятнинг назаридан четда бўлмай, ўз олдига қўйилган вазифаларни мамлакатнинг тараққиёт даражасидан келиб чиқиб бажариб турган.

4.Хулосалар:

Хулоса қилиб айтганда, Бухоро мадрасалари таълим тизимининг энг юқори босқичи бўлиб, илм маскани сифатида нафақат Туркистон минтақасида, балки барча мусулмон мамлакатларида маданият ўчоқлари вазифасини ўтаб, маърифат маркази бўлганлигидан далолат беради. Бухоро мадрасалари ислом оламидаги энг машҳур ва нуфузли олий ўқув юрти бўлиб, уларда таълим олган уламоларнинг диний масалалардаги фикрлари Миср ва Ҳижозда ўқиганларнинг фикрларидан кўра мўътабарроқ ҳисобланган. XIX аср охири ва XX асрнинг бошларида ҳам Бухоро мадрасаларининг ислом дунёсидаги мавқеи ва нуфузи маълум даражада сақланиб, жамият тараққиёти даражасидан келиб чиқиб, ўша вақтда давлатнинг ҳукмрон сиёсати ва ислом таълимотига хизмат қилган.

Бухоро мадрасалари нафақат ўқув юрти, балки ўзига хос меъморий ёдгорлик обидалари ҳам эди. Мадрасалар қурилишига ҳукмдорлар катта эътибор қаратган. Мадрасаларнинг аксарияти холис хусусий мулк ҳисобидан барпо этилиши шарт бўлиб, ҳукмдор бўлган хон ва амирлар томонидан кўплаб ҳашаматли мадрасалар бино этилган. Бундан ташқари йирик амалдорлар, нуфузли кишилар, сармоядор кишиларнинг ташаббуси билан мадрасаларни қуриш ва таъмирлаш ишларига ҳам катта эътибор қаратилган. Бухоро мадрасалари ўз ҳашамати, пишиқ ва пухта қурилганлиги билан меъморий жиҳатидан ўрта аср архитектурасининг энг нодир намуналари сифатида ҳозиргача сақланиб қолган. Мадрасалар қуриш иши билан асрлар оша шуғулланилганлиги боис, бу борада бой тажриба ҳам шаклланган.

Бухоро амирлигида таълим тизими ҳокимиятнинг назаридан четда бўлмай, ўз олдига қўйилган вазифаларни мамлакатнинг тараққиёт даражасига мос равишда бажариб келган. Қозикалон халқ таълимининг аҳволи, тарбиявий ишлар, исломий ақидаларни амалга ошириш вазифаларига масъул ҳисобланиб, бу ҳолат таълимга эътибор қаратилганидан далолат беради. Мадрасалар кўламининг кенгайиши ва моддий базасини мустаҳкамлаш масаласи хусусий шахсларга боғлиқ бўлганига қарамай, мамлакат ижтимоий маданий ҳаётида муҳим ўрин тутиб, давр талабига жавоб берган. Мадраса бир вақтнинг ўзида талабалар учун ётоқхона вазифасини ўтаб, уларнинг таъминоти ҳам мадрасага тегишли бўлган вақф мулкчининг миқдорида қараб белгиланган. Нафақат маъсул шахслар, балки ҳукмдор амирлар ҳам мадрасадаги моддий таъминот масалаларини эътиборда тутган. Аммо, мадрасаларнинг молиявий-хўжалик таъминоти асосан вақф мулкчилигига асосланган. Бухоро амирлиги мадрасаларининг қурилиши, моддий-хўжалик таъминоти масалалари давр талабига қай даражада жавоб беришидан қатъий назар, муайян фаолиятга эга бўлган. Аммо юқоридаги хулосалардан мадрасаларнинг қурилиши, моддий-хўжалик таъминоти ва фаолиятини ташкил қилиш масалаларида камчилик йўқ деган фикр келиб чиқмаслиги керак. Кўпчилик мадрасаларда хужраларнинг етишмаслиги, дарсхоналар ва дарсликлар камлиги, уларда замонавий шарт-шароитлар етишмаслиги, қурилиш ишлари лойиҳалар асосида эмас, балки ўзбошимчалик билан бажарилганлиги, хоналарда ёруғликка эътибор қаратилмаганлиги, қатор муаммолар ва ноқулайликларга сабаб бўлган.

Мадрасалар, уларнинг хизматчилари ва мударрислар хизмат ҳақи вақф даромадларига боғлиқлиги мадрасалардаги таълим жараёнида ҳам ўз аксини топган, уларнинг нуфузини белгилаб берган. Натижада қишлоқлар, шаҳар четларидаги мадрасалар пойтахт Бухородаги мадрасалардан катта фарқ қилган. Бу ҳолат талабаларни ўтилган сабоқларни ўзлаштиришида ҳам маълум даражада роль ўйнаган.

Иқтибослар/ Сноски/References:

1. 1.ЎзМА, 1-фонд, 12-рўйхат, 1-иш, 90-варақ (UzMA, 1st fund, 12th list, 1st work, 90th sheet).
2. 2.ЎзМА, 3-фонд, 1-рўйхат, 361-иш, 21-варақ (UzMA, 3rd fund, 1st list, 361th case, 21st sheet).
3. 3.ЎзМА, 47-фонд, 1-рўйхат, 333^a-иш, 10-варақ (UzMA, fund 47, list 1, case 333a, sheet 10).
4. 4.ЎзМА, 47-фонд, 1-рўйхат, 333^a-иш, 14-15-варақ (UzMA, fund 47, list 1, case 333a, pages 14-15).
5. 5.ЎзМА, 47-фонд, 1-рўйхат, 955-иш, 257-варақ (UzMA, fund 47, list 1, case 955, sheet 257).
6. ЎзМА, 47-фонд, 1-рўйхат, 333^a-иш, 20-21- 31-варақ (UzMA, fund 47, list 1, case 333a, pages 20-21-31)
7. ЎзМА, 126-фонд, 1-рўйхат, 1990-иш, 4-5-6-варақ (UzMA, fund 126, list 1, case 1990, pages 4-5-6).
8. ЎзМА, 126-фонд, 1-рўйхат, 1995-иш, 3-варақ (UzMA, fund 126, list 1, case 1995, page 3).
9. ЎзМА, 323-фонд, 1-рўйхат, 1-иш, 1-варақ (UzMA, fund 323, list 1, case 1, sheet 1).
10. ЎзМА, 323-фонд, 1-рўйхат, 55/18-иш, 1-варақ (UzMA, fund 323, list 1, case 55/18, sheet 1).
11. ЎзМА, 323-фонд, 1-рўйхат, 5-иш, 1-варақ (UzMA, fund 323, list 1, case 5, sheet 1).
12. ЎзМА, 323-фонд, 1-рўйхат, 55/16-иш, 1-варақ (UzMA, fund 323, list 1, case 55/16, sheet 1).
13. ЎзМА, 323-фонд, 1-рўйхат, 2-иш, 1-варақ (UzMA, fund 323, list 1, case 2, sheet 1).
14. ЎзМА, 323-фонд, 1-рўйхат, 16^a-иш, 1-варақ (UzMA, fund 323, list 1, case 16a, sheet 1).
15. ЎзМА, 323-фонд, 2-рўйхат, 113-иш, 4-варақ (UzMA, fund 323, list 2, case 113, sheet 4).
16. ЎзМА, 461-фонд, 1-рўйхат, 1720-иш, 76-варақ (UzMA, fund 461, list 1, case 1720, sheet 76).
17. ЎзМА, 1010-фонд, 1-рўйхат, 66-иш, 34-варақ (UzMA, fund 1010, list 1, case 66, sheet 34).
18. ЎзМА, 1010-фонд, 1-рўйхат, 55- иш, 1-варақ (UzMA, fund 1010, list 1, case 55, sheet 1).
19. ЎзМА, 1010-фонд, 1-рўйхат, 66-иш, 23-27-варақ (UzMA, fund 1010, list 1, case 66, pages 23-27).
20. ЎзМА, 2678-фонд, 2-рўйхат, 33-иш, 1-варақ (UzMA, fund 2678, list 2, case 33, sheet 1).
21. ЎзМА, 323-фонд, 1-рўйхат, 2, 19, 32, 37, 43, 44, 50, 52, 55/2, 55/12, 5/17, 60, 104, 105, 106-ишлар (UzMA, Fund 323, List 1, 2, 19, 32, 37, 43, 44, 50, 52, 55/2, 55/12, 5/17, 60, 104, 105, 106 works).
22. Бухоро Давлат меъморий-бадий музей-қўриқхонаси қўлёзма фонди. N11006/11 инвентар. (The manuscript fund of the Bukhara State Architecture and Art Museum-Reserve. N11006 / 11 inventory).
23. 23.Абу Бакр Муҳаммад ибн Жаъфар Наршахий. Бухоро тарихи. Форс-тожик тилидан 24А.Расулов таржимаси. – Тошкент: Фан, 1966. – Б. 84. (Abu Bakr Muhammad ibn Jafar Narshahi. Bukhara history. Translated from Persian-Tajik 24 A. Rasulov. - Tashkent: Fan, 1966. - P. 84).
24. 25.Айний С. Эсдаликлар // Асарлар, 5-жилд. – Тошкент: Бадиий адабиёт, 1965. – Б. 167. (Ainiy S. Memories // Works, 5 vols. - Tashkent: Fiction, 1965. -P. 167).
25. 26.Амир Саййид Олимхон. Бухоро халқининг ҳасрати тарихи. – Тошкент: Фан, 1991. – Б. 8. (Amir Sayyid Olimkhan. The history of the grief of the Bukharans. - Tashkent: Fan, 1991.- P. 8).
26. 27.Айний С. Қисқача таржимаи ҳолим / Асарлар. I-том. – Б.77. (Ainiy S. Brief biography / Works. I am. - P.77).
27. 28.Анке Фон Кюгелген. Легитимация среднеазиатской династии мангитов в произведениях их историков. (XVIII-XIXв.в). – Алматы. Изд.:Дайк-Пресс, 2004. – С.

403. (Anke Von Kügelgen. Legitimation of the Central Asian dynasty of Mangits in the works of their historians. (XVIII-XIX centuries). - Almaty. Publishing house: Dyk-Press, 2004. - P. 403)/
28. 29.Ахмад Дониш. Путешествие из Бухары в Петербург. – Сталинабад. 1960. – С. 224-225. (Ahmad Donish. Travel from Bukhara to Petersburg. - Stalinabad. 1960. -P. 224-225.)
 29. 30.Бендриков К.Е. Очерки по истории народного образования в Туркестане (1865-1924). – М.: Наука, 1960. – С. 14.(Bendrikov K.E. Essays on the history of public education in Turkestan (1865-1924). - Moscow: Nauka, 1960. - P. 14).
 30. 31.Воҳидов Ш. Қўкон хонлиги ва Бухоро амирлигида унвон ва мансаблар. – Тошкент: 1996. – Б. 26. (Vokhidov Sh. Titles and positions in the Kokand Khanate and the Bukhara Emirate. - Toshkent: 1996. - P. 26).
 31. 32.Мирзо Олим Махдум Ҳожи. Тарихи Туркистон. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2008. – Б. 191. (Mirzo Olim Maksdum Khoja. History of Turkestan. - Tashkent: Yangi asr avlodi, 2008. - P. 191).
 32. 33.Мухтасар. – Тошкент: Чўлпон, 1994. – Б. 24. (Summary. - Tashkent: Cholpon, 1994. -P. 24).
 33. 34.Муҳаммад Али Балжувоний. Тарихи Нофеий // Тоҷик тилидан таржима, сўз боши ва изоҳлар муаллифлари Шодмон Воҳидов, Зоир Чориев. – Тошкент: Академия, 2001. – Б. 86-102. (Muhammad Ali Baljuvani. History of Nofei // Translated from Tajik, foreword and commentary by Shodmon Vohidov, Zoir Choriev. - Tashkent: Academy, 2001. - P. 86-102).
 34. 35.Мусо Саиджон. Бухоро шаҳри ва эски бинолари // Маориф ва ўқитувчи. 1927. – №6. (Muso Saidjon. Bukhara city and old buildings // Education and teacher. 1927. - No. 6).
 35. 36.Остроумов Н П. Исламоведение. Введение в курс исламоведения. – Ташкент. 1914. – С.167. (Ostroumov N. P. Islamic studies. Introduction to the course of Islamic studies. - Tashkent. 1914. - p. 167.)
 36. 37.Саййид Мансур Олимий. Бухоро-Туркистон бешиги. Форс тилидан Ҳ.Тўраев таржимаси. – Бухоро, 2004. – Б. 14. (Sayyid Mansur Olim. Bukhara-Turkestan cradle. Translated from Persian by H. Turaev. - Buxoro, 2004. - P. 14.)
 37. 38.Семенов А.А. Очерк устройства центрального административного управления Бухарского ханства позднейшего времени // Материалы по истории таджиков и узбеков Средний Азии. II. ч. – С.5.(Semenov A.A. Essay on the structure of the central administrative management of the Buksar Khanate of the later time // Materials on the history of Tajiks and Uzbeks of Central Asia. II. ch. - P.5)
 38. 39.Сухарева О.А. Бухара XIX – начала XX в. – Москва: Наука, 1966. – С. 304. (Suxareva O.A. Bukhara XIX - early XX century - M.: Nauka, 1966. -- S. 304)
 39. 40.Сухарева О. К истории городов Бухарского ханства. – Ташкент: Изд. Академии наук Уз ССР, 1958. – С. 57. (Suxareva O.A. To the history of the cities of the Bukhara Khanate. - Tashkent: Ed. Academy of Sciences of the Uzbek SSR, 1958. - P. 57.)
 40. 41.Сухарева О.А. Квартальная община раннефеодального города Бухары. – М.: 1975. – С. 75-98. (Suxareva O.A. Quarter community of the early feudal city of Bukhara. - M.: 1975.- p. 75-98)
 41. 42.Сухарева О.А. Истории городов Бухарского ханства. – Ташкент: Изд. Академии наук Уз ССР, 1958. – С.145.(Suxareva O.A. History of the cities of the Bukhara Khanate. - Tashkent: Ed. Academy of Sciences of the Uzbek SSR, 1958. - P. 145).
 42. 43.Ремпель Л И. Далекое и близкое. Бухарские записи. – Ташкент: Литературы и искусства, 1981. – С. 4. (Rempel L. I. Far and close. Tug records. - Tashkent: Literature and Art, 1981. - p. 4).
 43. 44.Каримов Р Ҳ. XIX аср охири-XX аср бошлари Бухорода маънавий ҳаёт – Б.50. (Karimov R. Kh. Spiritual life of Bukhara in the late XIX - early XX centuries - P.50).
 44. 45.Керенский О.М. Медресе Туркестанского края. – СПб., 1892. – С.3. (Kerensky OM Madrasah of Turkestan Territory. - SPb., 1892. - P.3.)

45. 46.Фитрат А. Амир Олимхоннинг ҳукмронлик даври. – Тошкент: Минҳож, 1992. – Б.23. (Fitrat A. Board of Amir Alimkhan. - Tashkent: Minhoy, 1992. - p. 23).
46. 47.Фитрат А. Ҳинд сайёҳи қиссаси // Шарқ юлдузи. – Тошкент, 1991. – № 8. – Б.14. (Fitrat A. The history of the Indian traveler // Shark yulduzi. - Tashkent, 1991. - No. 8. - P.14).
47. 48.Фитрат А. Ҳиндистонда бир фаранги ила бухороли мударриснинг жадид мактаблари хусусинда қилган мунозараси // Шарқ юлдузи. – Тошкент, 1997. – №1. – Б.122. (Fitrat A. A conversation between a Bukhara teacher and a farang in India about the Jadid schools // Shark yulduzi. - Tashkent, 1997. - No. 1. - V. 122).
48. 49.Фитрат А. Мунозара. – Б. 122. (Fitrat A. Discussion. - P.122).
49. 50.Ханыков Н В. Описание Бухарского ханства. – СПб., 1843. – С.223. (Khanykov N. V. Description of the Buksar Khanate. - SPb., 1843. - P.223).
50. 51.Хўжаев Ф. Танланган асарлар.– Тошкент: Фан, 1976. I-том. – Б. 88. (Khodzhaev F. Selected works. - Tashkent: Fan, 1976. Volume I. - P. 88).
51. 52.Эргашев Б. Идеология национально-освободительного движения в Бухарском эмирате. – Ташкент: Фан, 1991. – С.16. (Ergashev B. Ideology of the national liberation movement in the Buksar Emirate. - Tashkent: Fan, 1991. - p. 16).
52. 53.Маев Н. Туземная школа // Туркестанские ведомости, 1884. – 30 октября. (Maev N. Native school // Turkestanskije vedomosti, 1884. - October 30).

ЎТМИШГА НАЗАР

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ

LOOK TO THE PAST

№SI-4 (2020)

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz

Tadqiqot LLC The city of Tashkent,

Amir Temur Street pr.1, House 2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz

Phone: (+998-94) 404-0000

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz

ООО Тадqiqot город Ташкент,

улица Амира Темура пр.1, дом-2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz

Тел: (+998-94) 404-0000